



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (12.665)

Баҳоси эркин нарҳда

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Латвия делегацияси шаҳар ташқарисидаги Кўксаройда ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Навбатдаги Ўзбекистон – Латвия олий даражадаги учрашувига Ўзбекистон Президентининг 2013 йил октябр ойида Рига шаҳрига ташрифи доирасида ўтказилган самарали давлатлараро мулоқотнинг мантикий давоми сифатида қаралмоқда.

Тошкентда томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама этидилар.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасидаги ҳамкорлари ичида ўзаро савдо ҳажми бўйича Латвия учинчи ўринда туради. 2013 йил якунларига кўра мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш 248 миллион АҚШ долларидан ошган.

Латвия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар 28 майга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларни имзолаш режалаштирилган.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ЛОНДОНДАГИ ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЯРМАРКАСИДА

Лондоннинг «Кенсингтон ва Челси» деб номланган тумани мэриясида 55-халқаро хайрия ярмаркаси бўлиб ўтди. Буюк Британияда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилган ушбу аънавий тадбир маҳаллий жамоатчиликни хорижий мамлакатларнинг маданияти ва халқ амалий санъати билан яқиндан таништиришга қаратилган.

Мамлакат пойтахтида 1959 йилда асос солинган мазкур баҳор ярмаркаси ҳар йили ташкил этиладиган йирик хайрия тадбири ҳисобланади. Унинг фаолияти халқаро ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар ва оилаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва ғамхўрлик кўрсатиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган. Мазкур ярмарка малика Александра ҳамда дипломатия корпусининг маршали Ч.Грей кўмагида «Бирлашган қироллик халқаро ижтимоий хизмати» томонидан ўтказилади.

Республикаимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси ушбу тадбирда фаол қатнашди. Мариянинг асосий залида «Ўзбекистон» экспозицияси ташкил этилди. Ярмаркада дунёнинг 60 дан зиёд мамлакати дипломатия миссиялари иштирок этди.

Ўзбек халқининг бой маданияти ва аънавларини намойён этадиган амалий санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси миллий экспозициясининг пештахталаридан жой олди.

Мамлакатимиз экспозицияси билан танишган тадбир меҳмони Ж.Хьюлин хоним «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига Ўзбекистон экспозицияси ўзининг ранг-баранглиги билан киши эътиборини тортишни айтди.

— Замонавий Ўзбекистон ҳамда унинг халқи маданияти ва тарихи билан танишиш мен учун мароқли бўлди, — деди у. — Ушбу ярмарка ва мамлакатингиз элчихонасининг вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқот менда яхши таассурот қолдирди.

«Жаҳон» АА.
Лондон

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2014 йил — Соғлом
бола йили



Сарвар Умарова (ЎзА) олган суратлар

ҲАМИША ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларга эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берилаетир.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос, дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси ҳамда ушбу фармон қабул қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган «Маънавият оиладан бошланади» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шулар ҳақида атрафли сўз юритилди. Унда сенаторлар, депутатлар, вазирилик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова бошқарган конференцияда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятимиздаги роли ва мавқеини оқсатириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда аёлларнинг иштирокини янада кенгайтириш учун барча шарт-шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатимизда қабул қилинган саксонга яқин фармон ва қарорлар, давлат дастурлари хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ — 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби эзгу йўналишлардаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, аграр соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ўн уч нафар аёл Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига

сазовор бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, ҳозиргача 212 нафар иқтидорли қиз адабиёт, таълим, санъат, маданият, спорт каби йўналишларда ушбу нуфузли мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда истеъдод эгаларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалий намунасидир.

Конференцияда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солихов, ҳозиргача 212 нафар иқтидорли қиз адабиёт, таълим, санъат, маданият, спорт каби йўналишларда ушбу нуфузли мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда истеъдод эгаларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалий намунасидир.

Фармонга кўра, юртимиздаги мавжуд ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, сиёсий партиялардаги ролининг тобора кучайиши, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга оид ишларни янги босқичга олиб чиққанини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухоро шаҳрида вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Барча шодлик сенга бўлсин, болажон!» шиори остида ижтимоий акция бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳрида ўқувчи-ёшларни таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида «Таълим ва мутахассис» кўргазмаси ўтказилди. Тадбирда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларига вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги йўналишлар бўйича, коллежларни битираётган ёшларга эса эгаллаётган мутахассислигига мос иш ўринлари ҳақида ҳамда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш юзасидан атрофлича тушунча берилди.

• Гулистон шаҳрида фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида «Болажон» истироҳат боғида гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган байрамда нафис ва ноёб гуллар, турли қушлар намойиш этилди.

• Самарқандда «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди.

• Навоий вилояти Қизилтепа туманида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича аънавий «Камолот» кубоги» республика мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистон бош вазири Нарендр Модининг Покистон ҳукумати раҳбари Навоз Шариф билан кечаги учрашуви тарихий учрашув сифатида баҳоланмоқда.

• Кеча Жанубий Кореянинг жанубий қисмида жойлашган санаторийларнинг бирида юз берган ёнғин натижасида камида 21 киши ҳалок бўлди, 7 та одам куйиш тан жароҳатлари билан касалхоналарга ётқизилди.

• Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳри яқинидаги Ла-Плата дарёсига кеча кичик хусусий самолётнинг қулаб тушиши натижасида беш киши ҳаётдан кўз юмди, тўртта йўловчи тан жароҳатлари олди. Ҳозирча ҳалокат сабаблари номаълум.

• Хитойнинг жанубидаги Гуандун музофотида тинимсиз жала куйиши натижасида юз берган сув тошқинлари 15 кишининг ҳаётига зомин бўлди, беш киши эса бедарак йўқолган. Маълумотларга қараганда, Гуанчжоу, Чжаоцин ва Цингюань шаҳарларида кейинги юз йил ичида энг кучли ёмғир куйиши натижасида мингдан ортиқ уйлар вайрон бўлган, сув тошқинларидан 140 мингдан ортиқ киши жабрланган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ «ТУРКИСТОН» саройида Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби та-

лаба-ёшларининг Соғлом бола йилига бағишланган ҳисобот концерти ўтказилди.

✓ БУГУН Миробод туманидаги 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Отам, онам

ва мен — спортчилар оиласи» йўналишида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА Мирзо Улуғбек туманидаги «Кўшчино» тўйхонасида 1 июнь — Халқаро

болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан туманда истиқомат қилувчи болалар учун «Бола кўзи билан кўринг дунёни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилади.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, ёшларни ишга жойлаштириш, уларга касб-хунар ўргатиш, қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бирор-бир касбга йўналтириш ҳамда меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш масалаларига катта эътибор қаратилганини таъкидлаб ўтдилар. Бу борадаги ишларда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шаҳримизда бу борада бир қатор тажрибалар тўпланган, амалга оширилган ишлар кўлами ҳам кенг. Жумладан, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи М. Раҳимов бошқарма фаолияти доирасида жорий йилнинг шу даврига қадар яратилган янги иш ўринлари, уларнинг қайси йўналишларга тегишлилиги, янги иш ўринлари қандай йўллар билан яратилиши, бу борада янги тажрибалар, кенг жамоатчилик, айниқса вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолини хабардор қилиш мақсадида Ахборот хизмати ва интернет сайтлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик масалаларига атофлича тўхталиб ўтди.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Ф. Иноятлов пойтахтимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, бу масалага янги қарашлар, ушбу йўналишда ишлаб чиқарилаётган янги лойиҳалар ҳусусида маълумот берди. Бу борада нафақат таълим муассасалари, балки битирувчиларнинг ота-оналари билан изчил иш юритиш, уларнинг фаоллиги ўз фарзандларининг қизиқишлари, келажаги йўлида масъул бўлишлари борасидаги фикр-мулоҳазалар, айниқса, кўпчиликка маъқул келди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари А. Фуломов бугунги кунда банд бўлмаган аҳоли билан маҳаллалар тизимида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Маҳалла оқсоқоллари, участка нозирлари, тегишли мутасаддиларнинг саъй-ҳаракатлари боис ҳозирга қадар 16 минг нафарга яқин вақтинча банд бўлмаган аҳоли иш билан таъминланди. Бу иш доимий равишда давом эттирилмақда. Тажрибалар ҳали иш билан банд бўлмаган кишилар билан изчил иш олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

2014 йилда Тошкент шаҳрида янги ишлаб чиқариш объектилари

ни ишга тушириш, кичик корхоналар ва микро фирмаларни ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик, уй меҳнатининг барча шакллари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 91 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган.

«Тошкент шаҳрида 2014 йилда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан январь-апрель ойларида қарийб ўттиз мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 17204 таси хотин-қизлар учун мўлжалланган. Ташкил этилган иш ўринларининг 74,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келмоқда.

Худудий дастурни амалга ошириш доирасида таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда пойтахтимиздаги 79 та касб-хунар коллежини 134 йўналиш бўйича 35 мингдан ортиқ ёшлар тамомлайди. Уларнинг 90 фоизи билан уч томонлама шартнома тузилган. Шунингдек, ўтказилаётган «Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси, меҳнат ярмаркалари битирувчиларнинг иш билан таъминланишида яхши самара бермоқда.

Оқорида қайд этилган дастурга мувофиқ 2014 йилда пойтахтимизда ўн мингдан зиёд ишсиз фуқаролар туманлардаги бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали ишга жойлаштирилиши, ўн мингдан ортиғи янги касбга ва касбга ўқитилиши, 550 нафар ишсиз фуқаролар жамоат ишларига жалб этилиши белгиланган. Бундан ташқари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун 21 мингдан зиёд иш ўринлари захираланган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 18 мингдан зиёд банд бўлмаган аҳоли аниқланган бўлиб, уларнинг 11 мингдан ортиғи ишга жойлаштирилган. Ишсиз фуқаролар учун мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар ҳар бир маҳалланинг «Меҳнат бурчаги»да тақдим этилган. Шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтларида ҳам корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар доимий киритиб борилаётган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атофлича жавоб олдилар.

Абдували СОДИҚОВ

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган савдо, маъмурий ва маншир хизмат кўрсатиш бинолари қурилмоқда. Лекин айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан ноқонуний равишда ер участкаларини эгаллаб олиш ва ушбу ер бўлағида ўзбошимчилик билан қурилмалар қуриш ёки уларни қайта таъмирлаш қонунобузрилиш ҳолатларига олиб келиши ҳақида билишадими?

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини бузиб етмаслиги ёки уларга зид равишда иш олиб бораётганлиги учраб турибди. Яъни, қурилиш учун ажратилган ер майдонлари ва қайта қуриладиган, таъмирланаётган бино-иншоотларга михаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсати бўлмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойлардаги хонадонлардан нотузар жой сифатида фойдаланиб, ички конструкцияларига ўзбошимча равишда ўзгаришлар киритиш оқибатида, ён қўшиллар билан уй-жойлардан фойдаланиш тартиби бўйича ўзаро низолар келиб чиқмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 11 октябрда «Тошкент шаҳрида уй-жой фондини сақлаш ва шаҳар-созлик фаолиятини тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда яқка тартибдаги уй-жой даҳаларида фуқаролар томонидан амалдаги ва лойиҳадаги йўллар устини, муҳандислик иншоотларининг муҳофаза ҳудудларини, уй-жойлар атрофидаги бўш ер майдонларини ўзбошимча-

БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУН-ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ — ҲАР БИР ТАДБИРКОРНИНГ БУРЧИ

хонадонларни ва ёрдамчи хоналарни қайта қуриш, қўшимча қурилмаларни қуриб олиш ва ҳоказолар қатъиян ман этилиши белгиланган.

Шу боис, ҳар бир тадбиркор қонун олдида ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини билиши лозим. Ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган ва савдо, маъмурий ва маншир хизмат кўрсатиш бинолари қурган ёки қайта таъмирлаган тадбиркорларнинг қонун олдида жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантиришимиз шарт.

Бундай ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат

Кеча Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси Кенгаши йиғилиши олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Тадбирда ЎзННТМА Кенгаши раиси Абдумажит Каримов 2005 йилда ташкил этилган Кенгаш республикаимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга моддий ва назарий кўмак кўрсатиб келаётгани, ҳозирги вақтда ЎзННТМА ННТлар фаолиятини мувофиқлаштириб, 4 та йўналишда ишларни олиб бораётганини айтиб ўтди. Булар: аёллар-ёшлар, ижтимоий-гуманитар, ҳуқуқий, экология, иқтисодиёт ва таълими йўналишлари бўлиб, бугунги кунда Ассоциация аъзолари сони 342 та ННТни ташкил этади. Улар ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келишмоқда.

Бўлиб ўтадиган йиғилишда ЎзННТМА томонидан 2011-2013 йиллардаги фаолияти юзасидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, Уставга ўзгаририш ва қўшимчалар киритилади,

Ассоциация Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади.

— Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 7800 дан зиёд ННТлари фаолият юритмоқда, — дейди ЎзННТМА аёллар ва ёшлар йўналиши бўйича раис ўринбосари Насиба Миродилова. — Айнан ушбу ННТларнинг фаолиятига эътибор берсак, уларнинг катта қисмини аёллар ва ёшлар ташкил этади. Ҳозирги кунда аёллар ва ёшлар ўртасида тиббий маданият, тиббий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини олиб бориш мақсадида семинар-тренинглари, давра суҳбат-

лари ташкил этиб келинмоқда.

Матбуот анжумани давомида ЎзННТМА аввало давлат бошқаруви органлари ва ННТлар орасидаги ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштиришга кўмаклаштиши, жамоат назоратини амалга ошириш ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаши лозимлиги таъкидланди, олиб борилаётган халқаро фаолият ва бошқа масалалар юзасидан қилинган ишлар ҳақида айтиб ўтилди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Зарина РУСТАМОВА



Транспорт

ТАРФИБОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Йўловчилар ташиш транспортни ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўналишсиз ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сиёсатини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майда қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фуқароларимиз ва тадбиркорлар учун қулайликлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги нфодасидир.

Мақсуд қарорга асосан «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу Низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташиш қўрилишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларига нисбатан талаблар, шунингдек, йўловчилар ва уларнинг йўловчи йўналиши бўйича юқини ташиш бўйича хизматлар кўрсатиладиган енгил автотранспорт воситаларининг барча турларига нисбатан ягона талаблар белгиланган бўлиб, унга қўра ташиш ва ички маълумотлар билан жиҳозлаш белгилари йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ҳисобланади.

Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туриши ва та-

нилишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда уларнинг йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташишини амалга оширувчи барча ташувчилар учун мажбурийлиги белгиланган.

Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан мунтазам равишда ушбу йўналишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётган. Лекин баъзан фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётганлик ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Жумладан, туман ҳудудида 2014 йил 1 май ҳолатига ўтказилган назорат тадбирларида ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 89 нафар фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан суд идоралари томонидан қонунда белгиланган таъсир чоралари қўлланилди.

У. ХАТАМОВ,

Ҳамза тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари

берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомига ва 2013 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 288-сонли қарорига асосан амалга оширилиши лозим.

Эслатиб ўтиш жоизки, тадбиркорлар, қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбуриятларга зид равишда қурилган ёки қайта таъмирланган бино-иншоотларни сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақи эмаслар. Бундай қонунбузрилиш ҳолатларини амалга оширган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 160-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жазима қўлланилади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига асосан суд органлари томонидан чора қўрилиш учун юбюрилади. Шунингдек, ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-1-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойга қамоқ билан жазоланадилар.

Ўзингизни қизиқтирган қўшимча савол ва тақлифларингизни www.kadastr.uz ҳамда www.odnokno.uz интернет саҳифалари орқали ёки бевосита ҳар ойнинг 1 ва 3 ҳафтаси шанба кунинда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси биносида ўтказиладиган «Очиқ эшиклар кунини» тадбирида беришимиз мумкинлигини маълум қиламиз (манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй.)

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти

ҲАМИША ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг мазкур фармони, давлат дастурлари ижросининг изчил таъминланаётгани оналар ва болалар ўлими, эрта туғруқлар, қизларни барвақт турмушга узатиш, оилавий ажримлар, ҳуқуқбузарлик каби салбий ҳолатларнинг кескин камайишида муҳим омили бўлмоқда. Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунё давлатлари орасида хотин-қизлар учун қулай шароит яратиш, оила, оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Мамлакатимиз ёш авлод камолоти ва маънавияти йўлида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлат сифатида тан олинмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шу билан бирга, бугунги тезкор давр оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш, уларни мустақил ва соғлом тафаккурли инсонлар этиб вояга етказиш, ўсиб келаётган ёш авлод, айниқса, қизларнинг онгу шуурини ҳаёт тарзимиз, менталитетимизга зид бўлган зарарли ғоялардан ишончи ҳимоялашга оид янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги чексиз меҳр-эътиборини ҳар бир аёл ўз кундалик ҳаёти, меҳнат фаолияти давомида ҳис этмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўлпир туманидаги 2-маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зевархон Акимниёзова. — Бундай ғамхўрликдан қалбимиз фахр ва ғурурга тўлмоқда. Рағбат ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, юксак маънавиятга авлодни тарбиялашда, аёлларнинг манфаатларини ҳимоялашда маҳалла фаоллари, педагоглар, шифокорлар, кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда, масъулиятни теран англаган ҳолда камарбаста бўлиб хизмат қилишга ўндайди.

Анжуман иштирокчилари Президентимиз фармони ижроси бўйича амалга оширилган ишлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини атофлича муҳофаза этди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби йўналишлар бўйича истиқболдаги вазифалар юзасидан фикр алмашди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон аёли тадбиркор ва бунёдкор» номли кўргазма-савдо ташкил этилди.

Назозат УСМОНОВА

ЯНГИ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси вакиллари, шунингдек, коммунал хизмат кўрсатувчилар ва мобиль алоқа операторлари иштирок этди.

Матбуот анжуманида янги интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш давлат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шаклларига ўтишга кўмаклаштириш таъкидланди. Лицензиялашни ва рухсат этиш характерида эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида шу йил 15 апрелда Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизда йил сайин катта ўрин тутаётганини таъкидлади. Айни пайтда кўплаб давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган интерактив хизматлар турини кенгайтирмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштирилган янги «тадбиркорлик субъекти шахсий кабинетининг» тақдими ўтказилди. Бундай кабинет бор тадбиркор интернет орқали ҳужжатларни расмийлаштириш, солиқ ва коммунал тўловларни тўлаш, шунингдек, турли маълумотномаларни олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, давлат органларига расмий талаб юбюриш, улар билан ҳамкорлик қилиши, солиқ бўйича қарздорлиги тўғрисида маълумот олиши мумкин.

Тадбир иштирокчилари хизмат кўрсатувчи субъектларнинг кенгайтирилган рўйхати ва янгиланган «SMS-To'lov» электрон тўлов тизими сайтининг имкониятлари билан танишди. Тадбиркорлик субъектларининг www.businessinfo.uz ахборот порталидаги намунавий таъсис ҳужжатлари ёрдамида рўйхатдан ўтиш ҳужжатларини тайёрлаши ва www.my.gov.uz Ягона интерактив давлат хизматлари порталида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларига бағишланган тақдиротлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎЗА)

Мустақиллик шарофати билан ҳар бир соҳада улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги катта ўзгаришлар, бунёдкорлик соҳасидаги ютуқлар «илан ҳар қанча фахрланса арзийди. Жаҳон андозалари даражасида қурилган замонавий бинолар, улуғвор кўприклар, кенг ва равион йўллар, гулу чечакка бурканган боғу роқлар кўрган кўзларни қувнатиб, шаҳарларимиз кўрғига кўрк бағишламоқда.

Бугунги кунда шаҳримиз кўркам, обод, табиати му-саффо масканлардан бирига айланди. Ўзимиз бир му-лоҳаза қилиб қўрайлик. Илгарилари болажонларимиз ёғи таътил пайтлари, умуман бўш вақтларини мазмун-ли ўтказиб, ҳордиқ чикариш учун фақат маданият ва истироҳат боғларига боришарди. Ҳозирчи, қайси бир маҳалла ёки кўп қаватли уйга борманг, турли ўйингоҳ-ларда болалар завқ-шавк билан мазза қилиб яйрашаёт-ганининг устидан чиқасиз. Ёки авваллари болажонлари-мизнинг кўча қанғитиб тўп тепишганининг шохиди бўлар-ди. Бугунги кунга келиб эса айниқса кўп қаватли уйлар атрофида кўп-кичик футбол майдончалари қурилгани, бу ерда болажонларнинг спорт билан шуғулланишлари-ни кўриб беихтиёр баҳри-дилиг очилади.

Дарҳақиқат, пойтахтимиз кун сайин ривожланиб, иқти-содий жиҳатдан юксалиб бо-раётган. Аҳоли турмуш дара-жаси яхшиланиб, оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бунини биргина шаҳримизда-ги транспорт воситаларининг кескин ортиб бораётганидан ҳам сезиш мумкин. Бугун де-ярли ҳар бир хонадонда юр-тимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар мавжуд ва кун-дан-кунга кўпаймоқда.

Автоуловларнинг ортиб бориши улар учун замонавий ва қулай автотураргоҳлар қуришни талаб этади. Бугун-ги кунда босқичма-босқич шаҳримизнинг аҳоли зич жойлашган турар жой мав-зеларида кенг қўламли иш-лар олиб борилаётган. Эски автотранспорт сақлаш қурил-малари (гаражлар, темир гаражлар) ўрнида спорт ва болалар майдончалари барпо этилмоқда. Лозим бўлган ҳудудларга қурилиш қондалари ва меъёрлари талабига жавоб берадиган очик турдаги автотураргоҳлар, авто-мобилларни сақлаш жойлари (парковалар), ниҳоят за-монавий кўп қаватли автотураргоҳлар қурилаётган.

Маҳалламиздаги 54 та кўп қаватли уйда 12 мингдан ортик фуқаро истиқомат қилади, — дейди Юнусобод ту-манидаги «Чинор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Холида Фозилова. — Ушбу кўп қаватли уйлар атрофида ҳудуд ҳуснини бузиб турган бир неча темир гаражлар бор эди. Уларнинг аксарияти кераксиз, эски нарсалар билан тўлдирилган бўлиб, ҳеч қандай нафти тегмайди-ган омборхона вазиқасини баҳарарди. Маҳалла аҳоли билан ҳамкорликда мутасаддилар ёрдамида ушбу гаражлар ўрнини ободонлаштирдик. Болалар майдончалари қури-либ, кўчалар зорлаштирилди. Шунингдек, янгича шакл-даги, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа талабларга жавоб берадиган саккизта автотураргоҳ (парковка) ҳам қурил-ди. Уйларимиз ва кўчаларнинг ён-атрофи кенгайиб, ма-ҳалламизга фойз кирди. Аҳолимизнинг барчаси бундан хурсанд.

Албатта, эскидан қолган темир гаражларнинг янги ав-томобил сақлаш жойларига алмаштирилиши фуқаро-ларга ҳам бирдек маъқул бўлмоқда.

Шаҳрим — фаҳрим



КўРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ АВТОТУРАРГОҲЛАР АҲОЛИГА КЕНГ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ



— Бугунги кунда шаҳримиз, кўчаларимиз, маҳалла-римиз янада чирой очмоқда, — дейди «Чинор» маҳалла-сидаги 32-уй, 4-хонадонда яшовчи Мамлакат ая Маҳма-мова. — Маҳалладаги санитар ҳолат яхшиланди, ҳаммаёқ тоза ва озода, олдингидек ҳар жойда чиқиндиларни кўрмайсиз. Баъзи қаровсиз гаражлар ўрнига ихчам ва батариб, тоза ва озода автотураргоҳлар, болалар ўйин ва спорт майдончаларининг қурилаётгани нур устига аёло нур бўлмоқда. Албатта, бу каби янгиланишлар, маҳалла-ларнинг ўзига хос чиройга эга бўлиши ёшларимизнинг маънавий дунёқарашига, жисмоний жиҳатдан баркамол тарзда вояга етишига ихобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

Пойтахтимизда шунингдек, илгор қурилиш техноло-гиялари асосида замонавий кўп қаватли автотураргоҳ-лар ҳам бунёд этилмоқда. Биргина мисол қилиб Шай-хонтоҳур туманининг Сақичмон ва Беруний кўчалари кесишувда жойлашган барча қулайликларга эга шун-дай автотураргоҳни келтириш мумкин. Замон талаб-ларига жавоб берадиган ва кўркам архитектура кўрини-шига эга бўлган мазкур иншоот ўз бағрига 650 та авто-мобилни сиғдира олади. Автотураргоҳдан асосан атрофда жойлашган мавзелардаги аҳоли фойдаланиб келмоқда.

— Юртимизда ер ресурсларини тежаган ҳолда замо-навий ва кўпгина имкониятларга эга иншоотлар барпо

этилмоқда, — дейди ушбу автотураргоҳ раҳбари Уйғун Йўлдошев. — Бизнинг иншоотдан асосан аҳоли зич жой-лашган «Қоратўш», «Гулобод» ва «Чорсу» маҳаллалари-даги фуқаролар фойдалани-шади. Автотураргоҳимиз 3500 квадрат метр майдон-га қурилган бўлиб, олти қаватдан иборат. Автомо-биллар учун барча сервис хизматлари кўрсатиш имко-нияти мавжуд. Бундан таш-қари, ён-атрофдаги маҳал-лалар аҳолиси учун енгил-ликлар ҳам яратганмиз. Бу-гунги кунда хизматларимиз-дан кўпчилик миннатдор.

Тошкент шаҳар Архитек-тура ва қурилиш бош бош-қармасидан олинган маълум-отларга кўра шаҳримиз-нинг бир қанча ҳудудлари-да кўп қаватли автотурар-гоҳлар қурилиши инobatта олинган бўлиб, ҳозирда лойиҳа ишлари бошлаб юборилган. Жумладан, тез фурсатда Чилонзор туманидаги «Чилонзор буюм бозо-ри» рўпарасида 540 ўринли, Шимолий ва Жанубий вок-залларнинг ҳар иккала ёнида 530 ўринли, Мирзо Улуғ-бек туманидаги «Саёҳат» меҳмонхонаси ёнида 320 ўрин-ли ҳамда Тошкент аэропорти атрофида 760 автомобилга мўлжалланган кўп қаватли автотураргоҳлар қурилиб, фой-даланишга топширилади.

Буларга қўшимча равишда Тошкент шаҳар Архитек-тура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳрининг яна етти та марказий ҳудудда кўп қаватли автотураргоҳларни жойлаштириш таклиф схемаси иш-лаб чиқилган. Юқоридагиларни инobatта олган ҳолда қурилаётган, лойиҳалаштирилган ҳамда таклиф эти-лаётган манзиллардаги автотураргоҳлар, мўъжаз ва ши-нам парковалар фойдаланишга топширилса, замона-вий автотранспорт сақлаш жойлари кўпайиб, транспорт воситалари эгалари учун янада қулай шарт-шароитлар яратилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, қури-лаётган кўркам ва замонавий автотураргоҳлар, парков-калар аҳоли учун ҳар томонлама қулайликлар яра-тади, шаҳримиз, маҳаллаларимиз ҳуснига ҳусн кўшади.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмомов олган суратлар

Учтепа туманидаги 28-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида тадбир ўтказилди.

Санъат

ЭНГ МОҲИРЛАР КЎРИК-ТАНЛОВДА ҚАТНАШАДИ

Ўқувчиларнинг мусиқа санъати бўйича би-лимларини шакллантириш мақсадида уюш-тирилган ушбу тадбир «Маҳорат дарси» деб номланди.

Унда санъат мактаби ўқувчиларига санъ-аткорлар мусиқа ва қўшиқчилик санъати-нинг ёшлар маънавиятини юксалтиришда-ги аҳамияти ҳақида сўзлаб беришди. Ай-ниқса, мусиқа ва қўшиқчилик санъати та-рихи ҳақида санъаткорлар ва педагоглар

томонидан қилинган ҳикоялар ўқувчилар-да илиқ таассурот қолдирди. Мўҳими, санъат мактаби ўқувчиларига санъаткор-лар томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди. Тадбирда қатнашган ўқувчилар орасидан энг маҳоратлилари сараланиб олинди.

Энди бу ёшлар «Истеъдод эгалари» кўрик-танловда иштирок этадилар.

Ахрор ЭРНАЗАРОВ

САНЪАТ ДЎСТЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта Анъанавий ижрочилик кафедраси магистр босқичи битирувчиси, хитойлик хонанда Чамангул Бакнинг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Чамангул ўзига хос овози, мусиқа маданиятини тушуни-ши билан тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлиб кел-моқда. У мусиқанинг анъа-навий хонандалик йўналиши бўйича Ўзбекистон Давлат консерваториясининг, ма-гистр босқичида доцент Му-ҳаббат Солиҳова синфида тахсил олади.

Чамангул ҳозир ўқиш би-лан бирга, юртимиз саҳна-ларида ўз истеъдодини на-мойиш этиб келмоқда. Хо-нанда шу билан чекланиб қолмай, ўзининг яккагон

концертини мухлислари эътиборига ҳавола этди. Ке-чани Анъанавий ижрочилик кафедраси мудирини Ўзбеки-стон халқ артисти Муножот Йўлчиева очиб берди. Кон-церт дастурида уйғур, ўзбек, хитой ва урдуча куй ва қўшиқлардан намуналар Чамангул Баки ва Шерзод Умаров раҳбарлигидаги «Наврўз» халқ чолғулари камер орке-стри ҳамда Салоҳиддин Азизбоев ва Равшан Абду-зимов раҳбарлигидаги со-зандалар ансамбли жўрли-гида янгради.

Айниқса, Навоий ғазали билан «Муножот», Бухорий ғазали билан айтилаётган «Бир келиб кетсанг» каби ашулалар, И.Татлиас дас-туридан «Суйлимми», уйғур халқ кўшиғи «Гулойим», по-кистонча «Сони дхарт» каби қўшиқлар тингловчиларда иқтидорли ёшларга нисбатан ҳавас ҳиссини уйғотди.

Хуршида
АБДУЛАЗИЗОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусикаси факультети 3-босқич талабаси

КИТОБ — БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Китоб байрами доирасида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзусида II илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахбо-рот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюшмаси раиси М.Ахмедов, Ўзбекистон халқ шоири С.Сайид ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юксак маънавият ва интел-лектуал салоҳиятли авлодни ка-молга етказиш, уларнинг қал-бидан юртга садоқат, миллий ва умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайти-риш борасида кенг қўламли ис-лохотлар амалга оширилаёт-ганлигини таъкидладилар. Ушбу жараёнда халқимизнинг китобхонлик анъаналарини да-вом эттириш, мутлола мадани-ятини янада бойитиш мақсади-да олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлаётган.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз «Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафак-кирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конферен-циянинг очилиш маросимига-ги нутқида ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал ме-росини асраб-авайлашга, бойи-тиш ва кўпайтиришга, шунинг-дек, униб-ўсиб келаётган ёш ав-лодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияла-шга етарлича эътибор қаратма-йдиган, ҳар томонлама уйғун ри-

вожланган, мустақил фикрлай-диган, ўз қараш ва ёндашуви-га, фуқаролик позициясига эга бўлган шахсни камол топтириш-ни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жаҳият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишини кайд этди.

Шу боис миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси ҳисобланган китобларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш, инсон қалби ва онги-ни эгаллашга қаратилган ахбо-рот хуружлари авж олган, бар-ча жаҳонларда глобаллашув суръатлари тезлашган бугунги дунёда ёшларнинг илму маъри-фат манбаи — китобларга нис-батан меҳр-муҳаббатини оши-риш, мутлола маданиятини юкс-салтириш долзарб аҳамиятга эга. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган анъанавий Китоб байрами бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда ноширлик ва ахборот-кутубхона соҳасига доир ҳуқуқий асослар, уни такомиллаштириш масала-лари, Ўзбекистонда китоб гра-фикасининг тарихи, ривожла-ниш тенденциялари, жаҳон алоқа тармоғида миллий ада-бий меросимизни тарғиб этиш-нинг долзарб вазифалари ху-сусида фикр алмашилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири



Истеъмолчи сифатида савдо расталаридан ўзим-га керакли бўлган маҳсулотларни харид қиламан. Аммо баъзан сотувчи ва харидор ўртасида айрим тушунмовчиликларга ҳам дуч келамиз. Айтинг-чи, савдо расталаридан харид қилаётганимизда истеъ-молчи сифатида биз қандай ҳуқуқларга эгамиз?

Ш.Жавлонов,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига кўра: истеъмолчилар — маҳсулот ва ишлаб чиқарувчи — ижрочи, сотувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

— маҳсулотни эркин танлаш ва унинг тегишли даража-да сифатли бўлиши;

— маҳсулотнинг ҳаёт ва соғлиқ учун хавфсиз бўлиши;

— ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсон бўлган маҳсулот, шунингдек, ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчининг ғайриқонуний ҳаракати туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмида қоплани-ши;

— бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза эти-ладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, судга ва бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиши;

— истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ва шу каби ҳуқуқларга эга. Шунингдек, истеъмолчилар-нинг ижтимоий ҳимояга мутожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маънавий хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар, ҳамда афзалликлар берилиши белги-ланган.

Холида САИДОВА,
Сергели туманидаги 6-сонли
ДНИ нотариуси

Талабаларга қандай ҳолларда академик таътил берилиши мумкин.

Биринчи курс талабаси ҳам академик таътил олса бўладими. У қанча муддатга берилади?

Н.Томаштов,
Ҳамза тумани

Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда 2138-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бе-риш тўғрисидаги Низомда тегишли тартиб-қоидалар бел-гиланган. Унга мувофиқ, талабалар:

Харбий хизматни ўташ; саломатлигини тиклаш; ҳоми-ладорлик ва туғиш ҳамда болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олиш ҳуқуқига эга. Академик таъ-тил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, шундай муддат-ларга берилади:

Харбий хизматни ўташ учун — қонун ҳужжатларида бел-гиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига; саломатлиги-ни тиклаш учун — 12 ой муддатга;

Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни пар-вариш қилиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парва-риш қилиш таътиллари муддатига берилади.

Биринчи курс талабаларига эса академик таътил, ис-тисно тариқасида, фақат уларнинг касалиги туфайли бе-рилиши мумкинлиги белгиланган.

Нарғиза МИРСАТОВА,
Учтепа туманидаги 9-сонли
ДНИ нотариуси

Фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши-ни тартибга солиш учун қонун билан танишиб қиққан-ман. Лекин мен бир жиҳатта тушунмадим. Яъни, фу-қаронинг мурожаат қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқи бир-биридан фарқ қиладими ёки иккаласи битта тушунчани?

О. Даминов,
Яккасарой тумани

Фуқаронинг мурожаат қилиш ҳуқуқи билан ахборот олиш ҳуқуқи бир-биридан фарқ қилади. Республикаимиз Конституциясининг 35-моддасига кўра: «Ҳар бир шахс ва-колатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ ва-килларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун фу-қароларнинг давлат органларига, муассасаларига муро-жаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Жумладан, ушбу Қонуннинг 3-моддасида: Фуқароларнинг давлат органларига аризалар, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланган.

Сиртдан қаралганда, фуқаронинг ахборот сўраб қил-ган мурожаати — ўз ҳуқуқларини рўйбга чиқаришдаги ил-тимоси баён этилган аризаси, яъни мурожаатига ҳам ўхшаб кетади. Бироқ ҳар доим ҳам сўралаётган ахборот уни сўраётган фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қону-ний манфаатларини рўйбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш-га дахлдор маълумот бўлмаслиги ҳам мумкин.

Конституцияимизнинг 29-моддасида: «Ҳар ким ўзи иста-ган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга» эканлиги белгиланган бўлиб, бу конституциявий ҳуқуқнинг амалга ошиши учун, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини белгилловчи «Ахборот эркинлиги прин-циплари ва қафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Бу Қонун-лар фуқароларни ахборотни эркин ва монеликсиз из-лаш, олиш, тадқиқ этиш ҳамда тарқатишга доир консти-туциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага ке-ладиган муносабатларни, шунингдек, ахборотнинг муҳо-фаза қилинишини ҳамда шахс, жаҳият ва давлатнинг ах-борот бораидаги хавфсизлиги таъминланишини тартиб-га солишни белгилайди.

Нилуфар ЗУФАРОВА,
Гулбаҳор ҲАКИМОВА,
Олмасор туманидаги ДНИ нотариуслари

Ишхонамиздаги ходимлардан бири ишдан бўшаб, бошқа ташкилотга ўтмоқчи. Лекин ундан аввал меҳ-нат таътилга чиқаяпти. Ходим ишдан бўшаиш нияти билан таътилга чиқса, меҳнат дафтарчаси қачон берилиши керак. Таътил олдида қачон берилади?

С.Мирёкубова,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 152-моддасига мувофиқ: жамоа шартномасида ёки хо-дим билан иш бериучи ўртасидаги келишувга биноан, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимнинг хоҳи-шига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бе-риб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил туга-ган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 108-моддасининг талабларига асосан:

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш бериучи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартно-масининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхаси-ни бериши шарт.

Шу тариқа, меҳнат дафтарчаси ходимга унинг таътили тугаган кунда берилиши керак. Ушбу кун меҳнат шартно-масини бекор қилиш кун бўлиб ҳисобланиши белги-ланган.

Шуқурулло АҚБАРОВ,
Ҳамза туманидаги 1-сонли
ДНИ катта нотариуси



Ахбор: Ёшқубон (Уш) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остида тадбир ташкил этилди.

Бугунги кунда республикада ўқувчи-ёшларга касб-хунар сирларини ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва қизиқишларига кўра мактабда олган билимларини ривожлантириш, амалиётда муостахмаллаш мақсадида 211 та «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолият юритмоқда.

Байрам тадбирини ўтказишдан мақсад ҳам ёшларни ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, болаларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, ўқувчилар ўртасида жамоани шакллантириш, ўлкашунослик йўналишидаги тўғарак аъзоларининг ижодий изланишларини жонлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш кўзда тутилди.

Тадбир давомида тўғарак аъзолари спорт мусобақаларида қатнашдилар, «Асфальтга расм чизиш», «Моҳир кўллар» маҳорат дарси майдончасида белгиланган шартлар бўйича беллашдилар.

— «Баркамол авлод» болалар марказлари етук ва соғлом авлодни тарбиялашда муайян маънода ўз ўрнига эга, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказининг мониторинг ва маданий оммавий тадбирларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари Гулчеҳра Набиева. — Бизнинг марказда 220 нафар болалар «Ёш эколог», «Ёш сайёҳ», «Ёш ўлкашунос», «Тўқиш», «Ёш мусаввир», «Ёш қандолатчи», «Моҳир кўллар», «Компьютер дизайни ва графика» каби тўғаракларда таҳсил олишмоқда.

Ташкил этилган тадбирда гуруҳларга бўлинган ўқувчилар ўзларига белгиланган майдончаларда қобилиятларини намойён этишди. Байрам тадбирида мар-

каздаги барча тўғараклар аъзолари, шунингдек, яқин атрофдаги А. Дониш, Ойбек маҳаллалари болалари қатнашди.

«Асфальтга расм чизиш» майдончасида тўғарак аъзолари ва маҳалла болалари томонидан «Бахтли болалик» мавзусида асфальтга расм чизиш танлови ўтказилди.

Уларни қуза таъриб, эртаминг эгаларининг нақадар қобилиятли, қизиқувчан эканлигини ҳис этдик. Асфальтга «Соғлом бола йили»га бағишлаб расм чи-

2014 йил — Соғлом бола йили

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР

заётган қизларни суҳбатга тортдик.

— Биз «Тўқиш» тўғарагига қатнашиб келамиз, — дейди 97-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Шахзода Алиева. — Ушбу тўғаракка қатнашиб, шарф, қалпоқ, кичкина болаларга нимча, пайпоқ тўқишни ўргандим. Тўқиш сирларини ўргатиб келаётган Гулчеҳра Жалолова биздан сабрли бўлишни, эринмасликни, ҳар бир ишга меҳр билан ёндашишни талаб этади. Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирда қатнашиб, «Энг фойдали салат» номинациясида голибликни кўлга киритдим. Экология бўйича ўтказилган танловда жамоа билан иштирок этиб, биринчи ўринни эгалладик. Унда расм чиздик, кроссвордлар ечдик, экология бўйича шеърлар, эртаклар намойиш этдик.

Спорт мусобақалари майдончасида қатнашчилар «Коптоқчаларни белгиланган жойга тезлик билан етказ», «Коптоқни бир-бирига отиб, маррага бориб келиш», «Сакроғичда сакраб маррага бориб келиш», «Бадминтонда ўйнаган ҳолда маррага бориб келиш», «Теннис коптоқини туширмасдан маррага бориб келиш» ва бошқа шартлар бўйича беллашдилар.

«Моҳир кўллар» майдончасида марказнинг «Моҳир кўллар» тўғараги раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан турли чиқиндилардан буюм ясаш бўйича маҳорат дарси ўтказилди. Унда тўғарак аъзолари ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Тўғарак фаолияти билан қизиққан бошқа тўғарак аъзолари ва маҳалла болалари ўз иқтидорларини синаб кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Марказда таълим олувчи ўқувчилар турли хил халқаро танловларда ҳам иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, жорий йилда «Моҳир кўллар» тўғараги раҳбари ва аъзолари Россиянинг Омск шаҳрида бўлиб ўтган танловда қатнашиб, голиб бўлишган. Тўғарак раҳбари Нилуфар Умарова «Экодизайн-чиқиндилардан самарали фойдаланиш» кўрғазмали эксперимент танловда «Экологик алифбо» номинациясида голибликни кўлга киритди.

Тадбир натижаларига кўра «Энг ёш расм» номинациясида барча тенгдошларидан ўзиб кетган 9 ёшли Мухаммадали Аҳмедов «Ёш мусаввир» тўғарагига қатнашиб келаётганини, расм чизиш сир-асрорларини Тохир Шодмуродовдан ўрганаётганини айтиб, устозига миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда ўқув йили якуни муносабати билан тўғарак аъзоларига мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Уч хил йўналишдаги мусобақаларда иштирок этиб, турли хил номинацияларда голибликни кўлга киритган ўқувчиларга марказ раҳбарияти томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

МАКТАБДАН ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАВСУМИ САРИ

Пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим муассасаларида жорий ўқув йили якунланиши арафасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Режалар таҳлил этилиб, ёзги таътил мавсумини мароқли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактабида ҳам жорий ўқув йили якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Таъкидлаш керакики, ниятсизга етган ўқув йилида мактаб жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчилар бир қатор муваффақият ва ютуқларга эришди. Жумладан, инглиз ва немис тиллари чуқурлаштириб ўтиладиган мазкур мактабда ўқувчилар чет тиллари бўйича фан олимпиадаси ҳамда «Билимлар беллашуви»нинг шаҳар босқичида инглиз тили фани бўйича фахрли 1-ўринни кўлга киритди. Ушбу мактабнинг яна бир иқтидорли 9-синф ўқувчиси Элиф Остекин инглиз тили фан олимпиадасининг шаҳар босқичида муносиб иштирок этиб, 4-ўринга сазовор бўлди. Бундан ташқари, «Инглиз тили билимдони» кўрик-танловининг республика босқичида мактабнинг 8-9-синф ўқувчилари 1-ўринни эгалладилар. Бу зафарларнинг асосий омилли сифатида мактабда яратилган қулай ва замонавий шароитлар, ўқитувчилар тўлган бой тажрибаларни эътироф этиш мумкин.

— Йил давомида бошланғич ва юқори синфларда турли мавзуларда ахборот-коммуникация воситалари, илгор педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтказилган қизиқарли очик дарслар, хорижий тилларни ўрганишга қизиқтирувчи ўқув машғу-

лотлари ўқувчиларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган иштиёқини янада оширди, озғани нутқларини ривожлантирди, — дейди мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Сайёра Тожиева. — Жумладан, ҳафтасига икки маротаба 3-синф ўқувчилари учун инглиз тилидан 74 соатлик «Up to the top!», яъни «Чўққи сари» деб номланган тўғарак машғулотларини ўтказдик. Бунда ўқувчиларни тил ўрганишнинг дастлабки босқичида озғани нутқни ўстирувчи, дидактик материаллар асосида асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий қадриятларимизни чет тилларида ўргатиш орқали онгига сингдириш, уларнинг миллий аъналаримизга садоқат ва ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгра, улар юздан ортай инглиз тили фани бўйича фан олимпиадасида ҳамда келгуси мустақил ҳаёти ва меҳнат фаолиятида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Шунингдек, тарих, она тили ва адабиёт ҳамда бошқа фан тўғараклари бўйича ҳам шундай ижобий натижаларга эришилди. Мактаб ўқувчиларининг, айниқса, битирувчиларининг фан ва спорт тўғаракларида устозларидан олган сабоқлари таълимининг кейинги босқичларида янги ўқув йилидан касб-хунар сирларини ўрганишларида ҳамда келгуси мустақил ҳаёти ва меҳнат фаолиятида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Маълумки, ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз электр тармоқлари, иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб олов ўйнашлари оқибатида келиб чиқади. Бу ҳодисаларнинг деярли ҳаммасининг аҳоли турар жойларида содир бўлишини эса бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши, десак адашмаган бўламиз.

«101»

УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ёнғинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказётган учрашувлари, кенг миқёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бераётди. Бу эса олдимизга тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини қўяди. Шу ўринда таъкидлаб ўтқиш керакики, фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини аниқлаб билиш муҳимдир.

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолаётгани уларга ёнғин, унинг оқибатлари, ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтиришни талаб қилади. Бола онгига ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлаётган ноҳус ҳолатлар-

нинг қамайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қондалари, ёнғиннинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли (сахналаштирилган) лавҳалар, кўрғазмали қуроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли турар жой бинолари, хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қондаларига жиддийроқ қарашга, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,
24-ХЕХК кичик инспектори, кичик сержант

Спорт янгиликлари

ТАЭКВОНДОЧИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида таэквондо (WTF) бўйича XXI Осиё чемпионати давом этмоқда.

Эркаклар ўртасидаги вазни 74 килограммгача бўлган таэквондочилар баҳсида ҳамюртимиз Никита Рафалович қатарлик Аҳмад Саадн ва филиппинлик Самуэль Моррисонни мағлубиятга учратиб, бронза медални кўлга киритди.

Осиё чемпионатида Жанубий Корея вакиллари Таехун Ким, Даехун Ли, Жонг Хун Вон, эронлик Фарзан Ашурзода Фаллах, Бехнам Асбағхиханга, хотин-қизлар ўртасида тайландлик Панипак Вонгпатанакит ва Жанубий корейлик Да Хви Ким, Жёнг Ён Юн, А Реюм Ли ва Хитой Тайпейи вакиллари Чиа Чиа Чуанг олтин медаль билан тақдирланди.

Эслаб ўтамиз, таэквондо «Пумсе» бўйича III Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан Раҳим Ҳожиматов фахрийлар ўртасидаги баҳсда олтин медални кўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик баҳсида Антон Кан ва Марина Ким Осиё чемпиони бўлди.

Фахрийлар ўртасидаги баҳсда иштирок этган яна бир спортчимиз Борис Ким ва катталар ўртасида Баҳодир Аловхонов бронза медаль билан тақдирланди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

СВЕТЛАНА РАДЗИВИЛЬ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтган «IAAF World Challenge» халқаро турнирида ўзбекистонлик енгил атлетикачи Светлана Радзивиль кумуш медалга сазовор бўлди.

2010 йили Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларининг олтин медални соҳиби бўлган Светлана Радзивиль мусобақанинг бешинчи босқичида 1метр 95 сантиметр балангликни забт этди.

Турнирнинг олтин медални 1метр 98 сантиметр натижа кўрсатган хорватиялик Ана Шимицага насиб этди. Фахри учинчи ўринни 1 метр 92 сантиметр натижага қайд этган Испания вакили Рут Бейтис эгаллади.

Эслаб ўтамиз, Светлана Радзивиль жорий йилнинг энг йирик мусобақаларидан бири — Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида иштирок этди.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри аҳолиси ва тадбиркорлари диққатига!

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Тошкент шаҳри фуқароларининг қабули ҳар ойнинг охиригача жумасида ўтказилишини билдиради ва жорий йилнинг май ойидаги қабулнинг 30 майга режалаштирилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси	2014 йил 30 май
Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари	соат 9.00 дан 13.00 га қадар
Марказий банк Тошкент шаҳар	2014 йил 30 май
Бош бошқармаси бошлиғи	соат 14.00 дан 18.00 га қадар

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2014 йил 29 май соат 13.00 га қадар 212-61-87 телефони орқали боғланишлари мумкин.

Ўзгариш

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2014 йил 14 май кунги 95-сонидан чоп этилган хабарномага ўзгариш киритилди: аукцион савдоси ўтказиладиган сана 2014 йил 17 июнь кунга ўрнига 2014 йил 24 июнь кунга ўзгариш.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти

«Ҳамкорбанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг Чилонзор филиали Мевазор минибанкига тегишли бўлган гуруҳ штампни йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 29 май кунги ҳаво ўзгариш турари, қисқа муддатли ёнғин, жала ёғиш эҳтимоли бор. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсади. наст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 556

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.40